*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**9 август**
ЖУМА
**№ 64** (12596)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Касбим – фахрим

## КЕЙИНГИ БЕКАТ – ЯНГИБОЗОР

**Тонгги соат 6. Уйқунинг энг ширин пайти. Паркентлик Бахтиёр Эшонов эса, бу вақтдаги уйқуни ғафлат деб билади. У қуёш уфқдан бош кўтармасидан 376-"Қўйлиқ – Янгибозор" йўналишидаги автобусини бошқариб кетаётган бўлади. Ҳайдовчининг 35 йиллик умри йўлда ўтмоқда. Бу йўналишда 5 йилдан бери қатнайди. Кунига йўналишнинг у бошидан бу бошига 6 марта бориб келади. Эрталаб 300 га яқин ҳамқишлоқларини ишга, ўқишга, бозорга элтса, кечқурун яна олиб қайтади. Ишдан бўш вақтларида Чанги қишлоғидаги фермер хўжалигининг узумзорида деҳқончилик қилади.**

53 ёшни қаршилаган ҳайдовчи 3 ўғил-у бир қизнинг отаси. Икки ўғилни уйлантириб, қизини узатган. Кенжа ўғилни уй-жойли қилса бўлди. Ҳайдовчилик ва деҳқончиликниг ортидан келаётган ҳалол даромад билан ўғил-қизнинг тўйинию неваралар ақиқасини ўтказмоқда. Катта ўғли Ихтиёр ички ишлар идораларида хизмат қилади. Яхши ишлагани учун яқинда унинг елкасига серjантлик белгиси қадалди. Дониёр деҳқончиликни яхши кўради. Узумзор оралагани-оралаган. Бу касбни отасидан ўрганиб кам бўлмаяпти. Достонбек яқинда коллежни компьютер мутахассислиги бўйича тамомлади. Устоз ва мураббийлари ундан келажакда яхши мутахассис етишиб чиқишига умид боғлашяпти.

(Давоми 2-бетда).




**СУРАТДА:** Бахтиёр Эшонов иш кунини ҳамиша мамнун кайфиятда бошлайди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим тизимини, шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимининг кадрлар инфратузилмасини ислоҳ қилишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Хусусан, қайд этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилда имзоланган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури босқичларини белгилаб берган 2107-сонли фармонига биноан олий тиббий маълумот халқаро стандарт – икки босқичли олий тиббий маълумотга ўтказилди.

Масалан, таълимнинг биринчи босқичи – бакалавриатда ўқитишда барча тиббиёт олий ўқув юртлари қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда ишлаши мумкин бўлган умумий амалиёт шифокорларини (умумий педиатр, умумий гигиеначи-эпидемиолог, умумий стоматолог) тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу мамлакатимиз аҳолисига, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Тиббий таълимнинг иккинчи босқичи – магистратура 46 тор мутахассислик (жарроҳлар, кардиологлар, офтальмологлар, юқумли касалликлар шифокорлари ва бошқалар) бўйича шифокорлар тайёрлашни назарда тутади. Бундай мутахассислар соғлиқни сақлаш тизимининг иккинчи ва ихтисослаштирилган бўғинлари, тиббий таълим ва илмий муассасаларда ишлаши учун тайёрланмоқда.

Бунда шифокорлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масаласи тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ҳукуматимизнинг қатор қарорлари асосида олий ўқув юртларида таълим жараёнининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, талабаларнинг яшаш ва маиший шароитини яхшилаш, янги спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилаётир.

Шу билан бирга, янги педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий этиш давом эттирилмоқда, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда замонавий техник ўқитиш воситалари кенг қўлланилмоқда. Мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари клиник муаммоларни ҳал этишга асосланган модуль таълимини жорий этмоқда. Мазкур технология жаҳон тиббий таълим амалиётида истиқболли ҳисобланади ва мантиқан мустақил фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу бўлажак шифокорни тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан ўқитиш жараёнида барча жойларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тилларни билиш даражасини оширишга оид қарорлар қабул қилинди. Бу ишлар ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, тиббиёт жадал ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб, кўп ҳолларда бугун умумқабул қилинган услуб ва йўналишлар эртага ўзининг долзарблигини йўқотиши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

## «ТАРАҚҚИЁТ» МАМЛАКАТ БОСҚИЧИГА ЧИҚДИ

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмушини янада яхшилаш, маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, фаолларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш мақсадида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳар йили ҳамкор ташкилотлар билан бирга "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловини ўтказмоқда.**

(Давоми 2-бетда).




Ийди-Рамазон муборак!

**Қадимий урф-одатларимиз, эзгу қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш, халқимизнинг олижаноб фазилатларини қарор топтириш давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳали собиқ мустабид тузум ҳукмронлик қилаётган кезлардаёқ бошланган эди. 1991 йил 11 апрелда Президентимиз Ислом Каримов Рамазон ҳайитини байрам сифатида кенг нишонлаш тўғрисидаги фармонни имзолади.**

## ЭЗГУЛИК ВА САХОВАТ АЙЁМИ

Мустақиллик йилларида табаррук масканлар, буюк алломаларимизнинг қадамжоларида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди. Улуғ аждодларимизнинг юбилей саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари халқимизнинг яратувчанлик салоҳиятини яна бир бор намоён этди. Бу ердаги Ҳазрати Имом жоме масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи Муборак мадрасаси, Қаффол Шоший зиёратгоҳи, Тиллашайх масжиди пойтахтимизга ташриф буюрадиган меҳмонларнинг севимли масканига айланган. Бу мажмуада сақланаётган Қуръони Каримнинг энг қадимий нусхаларидан бўлган "Усмон Мусҳафи"ни кўриш учун ҳар куни юзлаб зиёратчилар ташриф буюради.

Буюк алломаларимизнинг асарларини тадқиқ қилиш, ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни асраш, уни келажак авлодларга етказишга муҳим масала сифатида қараб келинмоқда. Қатор мадрасалар, Тошкент ислом институти, Тошкент ислом университети каби ўқув даргоҳларида ёшлар дунёвий, диний-маърифий йўналишлар бўйича билим олмоқда.

(Давоми 4-бетда).

**Республика тижорат банклари йил бошидан буён касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес ғояларини амалга ошириш учун 69 миллиард сўм кредит ажратди.**

## КРЕДИТНИНГ АФЗАЛЛИГИ ЎЗИ БИЛАН

Бу маълумот Миллий матбуот марказида "Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида ўтказилган анжуманда айтиб ўтилди. Тадбир республика Марказий банки ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

Таъкидландики, жойларда ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятлари кенгаймоқда, уларни иш билан таъминлаётган бизнес субъектлари молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг учун кичик бизнес субъектларига 690 та имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат бўйича жами 66,4 миллиард сўм маблағ ажратилди.

– Банклар кичик тадбиркорлик субъектлари, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес режаларини молиялаштираётгани яхши самара бераяпти, – деди Марказий банкнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи Азамат Азимов. – Чунончи, халқимиз турмуш даражаси ошиб, аҳоли бандлиги таъминланяпти.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

Маънавият

## ШАХМАТ ДУРДОНАЛАРИ

**Инсон маънавиятининг ўсиши, ҳаёт йўлида учрайдиган тўсиқларни мустақил, оғир-вазмин, матонат ва бардош билан енгиши учун кўмаклашувчи воситалар кўп.**

Баъзилар учун бир неча соатлик ҳисоб-китоб мажмуаси, кимларгадир мияни пешловчи, яна айримларга мароқли ўйин, ўсиб келаётган авлодлар учун эса ҳар томонлама фойдали бўлган шахмат шундай ҳаётий унсурлардан бири. Боиси, бу ўйин ёшларнинг ақлини пешлаб, фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берса, кексаларнинг дам олиши ва асабларини тиклашларида қўл келади. Дунёда спортнинг бу турини "оқиллар ўйини", "ақл гимнастикаси" дея эътироф этишларининг сабаби шунда.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда бошқа спорт турлари каби шахмат оммалашиши учун қилинган ишлар натижасида ҳамюртларимиз жаҳон шахмат олимпиадалари, дунё ва минтақавий биринчиликларда совринли ўринларни эгаллаб, республикамиз нуфузи ошишига муносиб ҳисса қўшишди. 1992-2010 йилларда Бутунжаҳон шахмат олимпиадалари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари шахсий ҳамда жамоавий ўйинларда мамлакатимиз вакиллари 12 олтин, 15 кумуш ва 10 бронза, жами 37 та медални қўлга киритишди. 14 шахматчимиз "халқаро гроссмейстер" унвонига сазовор бўлди. Қувонарлиси, бундай ижобий натижаларда вилоятимиздан етишиб чиққан шахмат усталарининг ҳам ҳиссаси катта.

Вилоят шахмат федерацияси ижрочи директори, спорт устаси Бахтиёр Холмирзаев вилоятимизда шахматнинг ривожланиш босқичлари, ёшлар орасида спортнинг бу турини тарғиб қилиш ва оммалаштириш борасида қилинаётган ишлар хусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

(Давоми 2-бетда).

## ИХЧАМ БЎЛГАНИГА НЕ ЕТСИН

**Паркент тумани "Тўй, маросим ва маъракаларни ихчамлаштириш" комиссиясининг навбатдаги йиғилишида республика Президентининг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармонининг ижроси жойларда қандай амалга оширилаётгани муҳокама этилди.**

Намданак, Чинорли, Бойқозон, Қорақалпоқ қишлоқлари ва Паркент шаҳрининг "Сой", "Обжувоз" маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти, юритилган ҳужжатлар ўрганилди ва тегишли баҳо берилди.

Йиғилишда жойлардаги тўй-ҳашам, маърака ва бошқа оилавий йиғинларни янада ихчамлаштириш борасидаги тажрибаларни оммалаштириш ва навбатдаги қилинадиган ишлар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**Шаҳло ФАЗЛИЕВА.**

## ҚИШЛОҚНИНГ ЙЎЛИ РАВОН

**"Обод турмуш йили" Давлат дастурига биноан Юқори Чирчиқ туманидаги деярли барча қишлоқ ва маҳаллалар кўркам қиёфага кирмоқда.**

Жумладан, яқинда Суранкент қишлоғидаги "Тўқимбой" маҳалласининг ички кўчаларига асфальт ётқизилди. Худди шундай ҳаракат Наврўз қишлоғида ҳам давом этди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

**Қибрай туманидаги "Умид Гулшани" сиҳатгоҳи янги цех ташкил этиб, 10 та тикув машинаси ўрнатди.**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Ҳозир бу ерда шу ҳудуддаги 20 нафар уй бекалари ва ёшлар доимий иш жойига эга бўлди. Шунингдек, "FASHION SUPER STAR" масъулияти чекланган жамияти ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб ўз ҳисобидан 20 миллион сўмлик тикув машиналари харид қилди ва ҳудуддаги уй бекаларини ишга жалб этди.

Умуман, туманда йил бошидан буён барча манбалар ҳисобидан 2 минг 167 та янги иш ўринлари яратилди. Бунинг 1 минг 178 таси эса хотин-қизлар учун ташкил этилганлиги алоҳида эътиборга молик.

**Умида ИСАЕВА.**

## АЙРОНТЕПАДА ШОДИЁНА

Ўрта Чирчиқ туманидаги Айронтепа қишлоғида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб, республика Қизил Ярим ой жамияти туман бўлими ҳамда "Дилноз-Муниса" хусусий фирмаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда халқ таълими бўлимига қарашли 5 та умумтаълим мактабларида таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда чин етим болаларга дастурхон тузалиб, ҳомий ташкилот ва корхоналарнинг совғалари топширилди.

Болажонлар "Баркамол авлод" маркази уюштирган концерт дастурини мириқиб томоша қилишди. Турли саҳна кўринишларида ўзлари ҳам иштирок этиб, ҳордиқ чиқаришди.

"Байрам шодиёналаридан ҳеч ким четда қолмасин" шиори остида ташкил этилган бундай хайрли тадбирлар тумандаги бошқа ҳудудларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**



# КЕЙИНГИ БЕКАТ – ЯНГИБОЗОР

Бахтиёр Эшонов хизмат қилаётган "Паркент" масъулияти чекланган жамиятида 200 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Жамият раҳбари Асқар Бойбўсинов йўналишларга чиқариладиган автобусларнинг соз ҳолатда бўлиши, уларнинг вақтида ҳаракатланиши, йўловчилар ўз манзилларига эсон-омон етказилишини истайди. Шу сабабли Бахтиёр Эшонов каби ҳайдовчилар эрта тонгда йўлга чиқишларидан олдин тиббий кўрикдан, автобуслари техник назоратдан ўтказилади.

– Ҳайдовчиликни осон касб деб ўйлайдиганлар адашишади, – дейди – Рулга ўтирдингизми, сиз йўловчиларнинг ҳаёти учун жавобгар ҳисобланасиз. Бир куни чиптачим нималарни хаёл суриб кетяпсиз, деб қолди. "Эсинг жойидами, ҳайдовчи йўлда хаёл суриши мумкинмас, буни бир сўрадинг, бошқа сўрама" дедим. Тўғри-да, йўл ҳушёрликни талаб қилади. Худо кўрсатмасин, бир дақиқага чалғисангиз борми...

Тажрибали ҳайдовчининг 10 га яқин шогирди бор. Улар устознинг атрофида парвона. Ҳали униси эҳтиёт қисмни алмаштириш

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳақида сўраб келади, ҳали бунисига йўловчилар билан қандай муомала қилиш кераклигини уқтиради.

– Бахтиёр ака, офтобда кўзингиз қисилаверганидан қийналаяпсиз, қора кўзойнак тақиб олсангиз бўлмайдими? – деб ҳазиллашдик.

– Жайдари одамга кўзойнак ярашармиди? – деди у. – Қолаверса, йўловчиларнинг олдида ноқулай, худди уларни писанд қилмаётгандек бўлади. Ўз юртимнинг қуёши, кўзимиз қисилса, қисилибди-да. Қўяверинг, доим кулиб тургандек кўринаман.

Ҳайдовчидан нечта бекатда тўхтайсиз, деб сўраганимизда у ўйлаб ўтирмай 27 та деди.

– Тўғри, бир хил пайтларда болали, ҳомиладор аёллар ва қариялар қўл кўтаришади. Уларни олмай кетиш одамгарчиликка тўғри келмаса керак, назаримда, – дейди манглайидаги терни сидириб.

Унинг айтишича, йўналишдаги автобусларнинг ҳаракатланиш оралиқ вақти 15 дақиқа. Агар йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари уларни тўхтатиб, вақтларини олмаса, ҳаммаси жойида бўларкан.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

Тадбиркорлик



# ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

**Ангренлик тадбиркор Раҳмон Давлатов кўп йиллардан буён халқимизнинг энг азиз неъмати – нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. 2001 йилдан буён "Ором-нон" хусусий фирмасини бошқараётган Раҳмон Давлатов тинимсиз изланишда. Шунинг учун ҳам ангренликларнинг дастурхонидан нон узилмайди.**

"Ором-нон" хусусий фирмаси дастлаб 9 киши билан иш бошлаган бўлса, ҳозир улар 19 кишига етди. Асосан ёшлардан ташкил топган жамоа яқинда Германиядан келтирилган "Wachtel" ускунасида кўтаринки кайфият билан иш бошлади. Агар илгари бир кунда 1-1,5 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу рақам 6 тоннага етди. Албатта, ишнинг унумдорлиги яхши шароит, замонавий ускуналарга ҳам боғлиқ. Ҳар бири 110 минг евро турадиган 2 та "Wachtel"да ишчилар 3 сменага бўлиниб ишлашади. 4,5 тонна буханка, 1,5 тонна 10 хил турдаги булочкалар шаҳар дўконларига, мактаб, боғча, шифохоналарга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

**Саида РАҲМОНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Маънавият

# ШАХМАТ ДУРДОНАЛАРИ

– Ўзбекистондан чиққан биринчи халқаро гроссмейстер олмалиқлик шахматчи Георгий Аъзамов, мамлакатимиз шахмат тарихида ўчмас из қолдирди. Шунингдек, вилоятимиз Г. Аъзамов билан бирга яна 4 та халқаро гроссмейстерни тарбиялаб берди. Мустақиллик йилларида чирчиқлик Сайдали Йўлдошев халқаро гроссмейстер даражасига чиқди.

2000-йилларга келиб шахматга эътибор ҳар қачонгидан ортди. Ҳусниддинов 4 карра Ўзбекистон чемпиони бўлиб, Россияда ўтказилган дунё биринчилигида совринли натижани қайд этди. Қизлардан Севара Юсуфалиева универсиада ўйинларида 3 марта қатнашиб, олтин медални қўлга киритди. Президентимиз унинг бу натижасини "Tico" автомашинаси билан тақдирлади.

10 дан 20 ёшгача бўлган ўғил-қизларимиз орасидан истеъдодларини саралаб олиш, уларни аввал республика, кейин Осиё ва жаҳон шахмат тахталарида дона суришларини таъминлаш мақсадида ҳар йили дунёга танқли гроссмейстер ва шахмат усталари хотирасига атаб мусобақалар ўтказилади. Авваллари вилоят биринчилигида нари борса 5 та тумандан 50 га яқин болалар қатнашарди. Бу галгисида 10 та туман ва шаҳардан 150 га яқин ёшлар иштирок этишди. Бу вилоятимиз ёшлари орасида шахматнинг оммалашаётганидан далолат.

2006 йилда Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида шахмат йўналиши иш бошлади. Афсуски, бир неча йилдан сўнг маблағ етишмаслиги натижасида факультет ёпиб қўйилди. Қувонарлиси, шу қисқа фурсатда 20 га яқин шахмат мураббийлари тайёрланди. Улар бугунги кунда Оққўрғон, Бекобод, Паркент, Чирчиқдаги шахмат клубларида ишлашяпти.

**– Республикамизда уч босқичда ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари дастурига шахмат ҳам киритилган. Бунда вилоятимиз ёшларининг иштирокини қандай баҳолайсиз?**

– Бу ўйинларда вилоятимиз вакиллари олдига тушадигани топилмайди. Боиси, "Умид ниҳоллари" шу кунгача 5 марта ўтказилган бўлса, ёшларимиз 4 тасида совринли ўринларни қўлга киритди: 1 олтин, 2 кумуш ва 1 та бронза. "Баркамол авлод" да ҳисобимиздаги 2 олтин ҳамда 1 та кумуш медаль мусобақа пешқадами пойтахт шахматчиларидан қолишмаётганимизни кўрсатади.

Шаҳарга жуда яқин жойлашганмиз. Вилоятда Аграр университетдан бошқа олий таълим муассасаси йўқ. Кўпчилик шахматчиларимиз пойтахтдаги университетларда ўқишни давом эттиргани учун "Универсиада" ўйинларида шаҳар шарафини ҳимоя қилишади. Шу туфайли бу босқичда айтарли натижамиз йўқ. Шундай бўлсада, юқорида таъкидлаганимдек Севара Юсуфалиева қаторасига 3 марта бу босқичда қатгашган ва совринли натижани қайд этган.

**– Ҳар қандай соҳанинг**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**ривожланиши ва етук мутахассислар етишиб чиқишида муҳит муҳим аҳамият касб этади...**

– Шу саволингизни кутаётгандим. Шахмат умумжаҳон маданиятининг бир қисми, ажралмас бўлаги. Шунинг учун ҳам унинг ривожланиши ва оммалашишида муҳит катта роль ўйнайди. Фикримча, Жисмоний тарбия институтида шахмат факультетини очиш керак. Ҳақиқий мураббийлар ана ўшанда чиқади. Улар ўзи туғилиб ўсган ҳудудида клублар очишади ва кўплаб шахматчиларни тайёрлаб беришади. Бундай шахмат клубларидаги шароит ҳам яхши бўлиши керак. Ҳозир эса улар вилоятда саноқли: Бекобод шаҳри, Қибрай, Юқори Чирчиқ ва Паркент туманларида бор холос.

Қувонарлиси, бугунги кунда умумтаълим мактаблари дарс соатига шахматни киритиш бўйича амалий ишлар қилиняпти. Мақсад: ўсиб келаётган авлодни мустақил фикрлашга ўргатиш, иродасини мустаҳкамлаш.

**– Спортнинг инсонга ижобий таъсирини кўриш ва сезиш қийин эмас. Айниқса, шахматда...**

– Фаолиятим мобайнида жуда кўп болалар билан ишлаганман. Унинг фойдасини асосан ёшларда кўрганман. Ҳеч эътибор берганмисиз? Мактаб ёшидаги болаларнинг аксарияти партада узоқ вақт ўтиролмайди. Қимирлаб, ўзларини у ёқ бу ёққа ташлаб ўтиришади. Бунга уларнинг сабри етмайди. Шахмат ўсмирларни қунт ва саботга, мулоҳаза юритишга ўргатади. Боиси, классик шахмат бир неча соат давом этади-да! Эътиборли жиҳатлардан яна бири, дастлабки ўйинларда ютқазиб қўйиб йиғлайдиган, тушкунликка бериладиган болалар тинимсиз машғулотлар давомида мағлубиятни ҳеч қандай депрессиясиз қаршилайдиган бўлишади. Мот бўлмаслик учун соатлаб фикрлашади. Қолган спортлар инсонни жисмонан бақувват қилса, шахмат ақлан чиниқтиради.

Биласизми, ҳаёт курашдан иборат. Яшашдан мақсад эса шу жангда ғолиб бўлиш. Шахмат ва ҳаёт бир-бирига жуда ўхшайди. Шахматда ҳам ҳаётдаги сингари қийин вазиятлар бўлади. Тахтадаги шоҳингиз мот бўлай деб турганида ақлингизни ишлатиб, қандайдир йўллар топиб, уни опчиқиб кетасиз. Ҳаётда ҳам шундай бўлишингизда шахмат кони фойда.

**– Бугун вилоятимизда шахматнинг янада оммалашиши йўлида қандай ишлар қилиняпти?**

– Вилоятимизнинг ўзига хос шахмат мактаби бор. Бунга кўпларнинг меҳнати сингган. Бугунги кунда улардан қолган меросни ўсиб келаётган ёш авлодга бус-бутун етказиш учун астойдил ҳаракат қилиняпти. Иззат Султонов, Рустам Абдусаидов, Ангрен шаҳридан Юрий Швестов, Жаннат Собирова, Севара Маматқулова ва бошқа кўплаб усталаримиз вилоятимиз шахмати учун жон куйдираётган фидойилардир.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Бекзод ҲИДОЯТОВ суҳбатлашди.**

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

# «ТАРАҚҚИЁТ» МАМЛАКАТ БОСҚИЧИГА ЧИҚДИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги Маънавият ва маърифат марказида мазкур танловнинг бу йилги вилоят босқичи бўлиб ўтди.Ташкилотчилар, вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари, тегишли бошқарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда сўз олганлар кейинги йилларда маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги мавқеи йилдан-йилга юксалиб бораётганини таъкидлашди.

– Бунда "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи

(Давоми. Боши 1-бетда).

бошқариш органлари" танловининг ҳам ўрни беқиёс, – деди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарув раиси Ҳожимурод Эрматов. – Боиси, танловда қатнашчилар соҳага доир қўшимча билимлар олиш билан бирга ўзаро тажриба алмашиш имкониятига ҳам эга бўлаяпти. Шунинг учун мазкур танловда қатнашишни хоҳловчилар йилдан-йилга ортиб бораяпти. Хусусан, ўтган йили танловда 720 та фуқаролар йиғини қатнашган бўлса, бу йилгисида 766 та маҳалла қатнашиш истагини билдирди.

"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, Мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтказилган танловнинг бу йилги вилоят босқичида туман ва шаҳарларда юқори натижани қайд этган 18 та фуқаролар йиғини 3 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Турли ташкилот ва муассасаларнинг масъул ходимларидан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати ҳар бир қатнашчининг чиқишини диққат билан кузатиб қонунийлик, ошкоралик, адолатлилик, тенглик каби асосий тамойилларга риоя қилиб, 1 дан 5 баллгача баҳолаб боришди.

Ҳар бир шартда юқори кўрсаткичларни қайд этган Ангрендаги "Тараққиёт" маҳалла фуқаролар йиғини вилоятда биринчи деб топилди. Ташкилотчилар йиғин раиси Шуҳрат Тенглешевга биринчи даражали диплом, замонавий компьютер жамланмаси, рўзғор техникаси ва танловнинг республика босқичида қатнашиш учун йўлланма беришди. Танловнинг иккинчи поғонаси "Лолаариқ" (Пискент) маҳалласига насиб этган бўлса, Зангиотадаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғини 3-ўринни эгаллади.

– Танловда биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олганимиздан хурсандмиз, – деди Шуҳрат Тенглешев. – Ҳамкасблар билан тажриба алмашиб, улардан илғор иш усулларини ўргандим. Танловнинг мамлакат босқичида шуларни ишга солиб, вилоят шаънини муносиб ҳимоя қиламан.

Шунингдек, ҳомий ташкилотлар танловда юқори балл тўплаган қатор маҳаллаларга "Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фаоллик кўрсатган фуқаролар йиғини", "Жамоатчилик назоратини амалга оширишда намуна кўрсатган фуқаролар йиғини", "Ҳудудда вояга етмаганлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича самарали фаолият олиб борган фуқаролар йиғини" каби қатор номинацияларда ғолиб чиққанларга эсдалик совғалари топширишди.



**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши Қибрайдаги Аграр университетда вилоятимиздаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган 90 нафар бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув-семинар ҳамда "Энг намунали бошланғич ташкилот" танловини ўтказди.**

# ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК

Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларида ишлаётган ёшларда турли соҳалардаги ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, билим ва кўникмаларини янада ошириш ҳамда малакали бошланғич ташкилотлар тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ташкиллаштирилган форумда тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, фаол ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

"Ватан равнақи йўлида бирлашайлик" шиори остида 3 кун давом этган форумда республика Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиш академиясининг малакали ўқитувчилари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш мустақил институти ходимлари, харакат қошидаги "Етакчи" ўқув маркази мураббийлари ёшларга бошланғич ташкилот фаолиятига доир ўқув-семинарлар, етакчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш учун тест синовлари, иш юритиш, ҳисоб ва ҳисоботни олиб бориш, ёшларни ҳаракат аъзолигига қабул қилиш ва чиқариш, мурожаат ҳамда аризалар билан ишлаш ва бошқа қатор масалалар бўйича билим беришди...

Форум якунида фаол иштирокчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Шунингдек, "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танлови ҳам ўтказилди.

Танлов натижаларига кўра Янгийўл, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари, Бекобод, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари корхона, ташкилот, муассасаларида фаолият юритаётган ҳаракатнинг жами 10 та бошланғич ташкилот етакчилари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

Эътироф

**Яқинда Брюссель Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланишининг истиқболлари ва мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор соҳаларига хорижий сармояларни жалб этиш масалаларига бағишланган "Ўзбекистон – Бельгия" бизнес-семинари бўлиб ўтди.**

# САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда Брюссель минтақаси ишбилармон доиралари, Валлония Ташқи савдо ва инвестициялар агентлиги, Фламанд Инвестиция ва савдо агентлиги, "Агория" Бельгия саноат корхоналари уюшмаси вакиллари ҳамда Э. Ғаниев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг делегацияси қатнашдилар.

Семинар чоғида унинг иштирокчилари эътиборига мамлакатимизни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ҳамда 2013 йилга мўлжалланган устувор вазифалар, иқтисодиётни диверсификациялаш ва хорижий сармоядорлар учун қулай муҳитни яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги батафсил маълумотлар ҳавола этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Брюссель Савдо-саноат палатасининг раиси О. Виллокс бизнес-семинарда Бельгия ишбилармон доираларининг вакиллари қатнашаётгани уларнинг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканликларидан далолат беришини таъкидлади. Юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни юқори баҳолар экан, О. Виллокс Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори макроиқтисодий кўрсаткичлари ва иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини алоҳида эътироф этди. Унинг айтишича, ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоиздан юқори ўсиш кўрсаткичлари Бельгиянинг етакчи компаниялари учун айнан Ўзбекистонни истиқболли сармоявий шерик сифатида танлашига асос бўладиган муҳим омилдир.

Тадбир давомида бельгиялик тадбиркорларга республикамизда ҳамкорликда амалга ошириладиган истиқболли сармоявий лойиҳалар тўғрисидаги ахборотлар ҳам тақдим этилди. Ўзбекистоннинг замонавий технология ва ускуналарни жалб қилишдан, юқори қўшимча қийматли ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш сингари йўналишларни қамраб олувчи савдо-иқтисодий ҳамкорликдан манфаатдор эканлиги таъкидланди.

"Навоий" эркин индустриал иқтисодий ҳудуди, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари, мазкур ҳудудларда саноатнинг барча соҳаларида тўлиқ ишлаб чиқариш қамровини ўз ичига олган мажмуаларни барпо қилиш учун яратилган ишлаб чиқариш, транспорт, инфратузилмавий шарт-шароитлар, бу ерда рўйхатга олинган хорижий сармоядорлар учун яратилган беқиёс имтиёзлар ҳақидаги батафсил маълумотлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. "Навоий" интермодал логистика марказининг фаолияти ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича унинг имкониятлари ҳам белгиялик ишбилармонларнинг диққат марказида бўлди.

Тадбир доирасида нефть-газ ва энергетика соҳаларидаги сармоявий ҳамкорликнинг истиқболларига бағишлаб ўтказилган тақдимот чоғида семинар қатнашчилари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик тараққиётининг афзалликлари ҳақидаги маълумотлар билан яқиндан танишганлари баробарида кимё, қурилиш, озиқ-овқат ва автомобилсозлик саноати, электр техника ва электроника, ахборот технологиялари ва бошқа жабҳаларда икки томонлама алоқаларнинг истиқболлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

Бельгиянинг "Picanol" ва "Intellisol" компаниялари вакиллари Ўзбекистонда амалий шерикликни чуқурлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилганлигини таъкидлашди. Улар Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан орттирган ижобий тажрибаларини ўртоқлашар эканлар, келажакда ўзаро алоқаларни янада жадаллаштиришга тайёр эканликларини маълум қилишди.

Хусусан, "Intellisol" компаниясининг раҳбарлари Х. Дениелс ва Р. Кох Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга ҳамда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсишига юқори баҳо бердилар. Улар Ўзбекистоннинг жадал ривожланиш суръатлари Белгиянинг етакчи компаниялари учун мамлакатимиз бозоридаги фаолликни янада ошириш учун шароит яратишини қайд этдилар.

"Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида "Horeco" компаниясининг ижрочи директори Н. Рамондетти ушбу бизнес-семинар унинг қатнашчиларига иқтисодиётнинг турли жабҳаларида Ўзбекистон салоҳияти ҳамда мамлакатимизда шаклланган сармоявий муҳит билан яқиндан танишиш учун ажойиб имконият яратганини таъкидлади.

Н. Рамондеттининг фикр билдиришича, меҳмонхона бизнеси, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш сингари тармоқларда фаолият кўрсатадиган бельгиялик ишбилармонларга мамлакатимиз билан сармоявий ҳамкорлик учун улкан истиқболлар мавжуддир. Ҳар икки томон якдил мақсадларга эга эканлиги эса ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида, "Flarus" компаниясининг ижрочи директори Э. Верэлст ҳам республикамизда мавжуд бўлган қулай сармоявий муҳит хорижий шерикларда катта қизиқиш уйғотаётган асосий омил эканлигини таъкидлади. "Иқтисодиётга жалб қилинаётган маблағлар ҳажмининг барқарор ўсиши Ўзбекистоннинг чет эллик сармоядорлар учун амалий ҳамкор сифатидаги мақомини янада мустаҳкамлайди" деди у.

**"Жаҳон" АА, Брюссель.**

Ёшлар форуми

# БАРКАМОЛ АВЛОД – ОБОД ТУРМУШ КАФОЛАТИ

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг "Ёшлар қаноти", партиянинг вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши Янгийўл туманидаги "Алишер Навоий гулшани" номли маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, Мустақил Ўзбекистон!" шиори остида минтақавий ёшлар форуми ўтказди.**

Форумда қўшни вилоятлардан меҳмонлар – ЎзМТДПнинг Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, шунингдек Тошкент шаҳар кенгашлари "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳам иштирок этдилар.

Иштирокчилар миллий маданият марказлари ҳамда миллий ҳунармандчилик, зардўзлик, халқ амалий санъати намуналари кўргазмасини томоша қилдилар. Сўнгра вилоятлар ва Тошкент шаҳри "Ёшлар қаноти"нинг чиқишлари кузатилди.

Тадбир давомида форум меҳмонлари билан савол-жавоблар уюштирилди.

Форум якунида вилоятимизнинг энг фаол ёшларидан бир гуруҳи партия аъзолигига қабул қилинди. Шунингдек, форумнинг энг фаол иштирокчиларига ЎзМТДПнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Шу сабабли тиббий таълимнинг барча босқичларидаги ўқув дастурлари таълим жараёнига инсон касалликлари сабаблари ва механизмларини тушуниш, уларга ташхис қўйиш ва даволашда янгича ёндашувларни жорий этиш орқали мунтазам такомиллаштирилмоқда. Республика, вилоят ва туман даражасидаги даволаш-профилактика муассасаларида даволаш-ташхис қўйиш жараёнининг стандартлари ҳамда протоколларини жорий этиш бугунги куннинг муҳим талабларидан ҳисобланади. Мазкур стандарт ва протоколлар далилли тиббиёт асосида мамлакатимизнинг етакчи тиббий таълим ва илмий муассасаларининг саъй-ҳаракатлари билан ишлаб чиқилмоқда. Далилли тиббиёт интернет-ресурсларда жойлаштирилаётган аниқ илмий маълумотлар таҳлили асосида тавсиялар ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Таъкидлаш жоизки, илмий тиббиёт соҳасидаги интернет-ресурсларнинг 80 фоиздан ортиғи инглиз тилидаги манбалардан иборат. Далилли тиббиётдан фойдаланиш, даволаш стандартлари ва протоколларини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янгилаш ва натижада профессионал дунёқарашни кенгайтиришга пухта ёндашиш инглиз тилини, илмий интернет-маълумотлардан фойдаланишни билишни тақозо этмоқда.

Шунингдек, беморни "ётган жойида" амалий (клиник) текшириш (беморни кўздан кечириш, беморларни клиник кўриб чиқишда, операциялар, манипуляциялар ва бошқа жараёнларда иштирок этиш) кўникмаларини мажбурий ўзлаштириш тиббий таълимнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Шу муносабат билан таълим ва ишлаб чиқариш, жумладан, тиббий олий ўқув юртлари ҳамда етакчи клиник марказларнинг интеграциялашуви шифокорларни сифатли тайёрлашнинг муҳим шартларидандир. Яъни, тиббий олий ўқув юртлари етакчи тиббиёт муассасаларидан клиник база сифатида фойдаланади. Талабаларга билим беришда нафақат олий ўқув юртлари педагоглари, балки илмий ходимлар ва тажрибали шифокорлар ҳам жалб этилади.

Бундай ишлар натижасида юқорида қайд этилганлар – мамлакатимиз тиббий олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун педагоглар она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли ва бошқа касалликларга қарши кураш, мамлакатда эпидемиологик барқарорликни таъминлаш соҳасида халқаро ташкилотлар (ЖССТ, ЮНИСЕФ, Глобал фонд ва бошқалар) тавсиялари ҳамда етакчи хорижий давлатларнинг юқори самарали тажрибасини фаол ўрганиб, ўқув дастурларига жорий қилмоқда.

Тошкентда 2011 йил ноябрь ойида "Соғлом она – соғлом бола" мавзуида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ЖССТ ва бошқа халқаро тузилмалар Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ноёб модели шаклланганини якдиллик билан таъкидлади. Масалан, Сеул Миллий университетининг педиатрия маркази (Корея Республикаси) раҳбарининг маърузасида педиатрия соҳаси ва тиббий кадрларни тайёрлаш масалаларида халқаро ҳамкорлик бўйича эришилган натижаларга юксак баҳо берилди.

Мамлакатимиз тиббий олий ўқув юртларида таълимнинг модернизация қилиниши уларда, жумладан хорижлик талабаларнинг билим олишга қизиқишини оширди. Корея Республикасининг етакчи университетлари билан кенг кўламли икки томонлама муносабатларни йўлга қўйган мамлакатимиздаги етакчи таълим марказларидан бири Тошкент педиатрия тиббиёт институти бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур институтнинг 100 нафардан ортиқ мутахассиси ҳамкорлик дастури доирасида Самсунг, Енсейск университети ва Сеул Миллий университетининг тиббиёт марказларида малака ошириш ва тренингларда қатнашди.



Осиё тиббиёт институти раҳбари, профессор Ким Бон Су (Корея Республикаси) 2013 йил 21 январда Кореянинг "World Daily" газетасида эълон қилинган мақоласида "Ўзбекистонда тиббий таълим даражасининг юқорилиги Корея тиббий университетлари талабаларининг Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқишни давом эттириши учун катта қизиқиш уйғотди" дейилади. Шунингдек, унда "Тошкент педиатрия тиббиёт институтида таълим олиш Ўзбекистон тиббий таълимининг талабаларни кам сонли гуруҳларда юқори малакали мутахассислар томонидан ўқитиш ва амалий дарсларни беморлар "ётган жой"да ўташга имкон қадар яқинлаштиришга асосланган ноёб тажрибасининг амалий ифодасидир" дейилган.

Корея томони Тошкент педиатрия тиббиёт институти салоҳиятини инобатга олиб, Корея Республикаси университетларида бакалавр дипломини олган Корея фуқароларини мазкур институтда шифокорликка тайёрлашдан манфаатдор эканини билдирди. 2007 йилдан буён кореялик талабаларни интеграциялашган тиббий таълимнинг модуль тури асосида ўқитиш дастури бўйича Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик доирасида Тошкент педиатрия тиббиёт институтига Корея Республикасининг ўттиз нафар фуқароси ўқишга қабул қилинди. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг профессор ва ўқитувчилари томонидан кореялик талабаларни ўқитиш учун ишлаб чиқилган ҳамда халқаро стандартларга мос тўрт йиллик интеграциялашган ўқув дастури педиатрия соҳасида зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишига хизмат қилди. Шунингдек, Осиё тиббиёт институтининг ўқув жараёнини модернизация қилишга қўшган ҳиссаси ушбу дастурни амалга оширишда ижобий натижаларга эришиш имконини берди.

2012 йилда кореялик уч нафар талаба Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқишни муваффақиятли тамомлаб, мамлакатимизда олган дипломларини Корея Республикасида нострификация босқичидан ўтказди ва шифокорлик лицензиясини олиш ҳамда Кореянинг етакчи тиббиёт марказларидаги клиника ординатурасида тор мутахассислик бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлиш учун давлат тест имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Мазкур натижа Корея томонидан улкан ютуқ сифатида баҳоланди. Негаки, Корея Республикаси университетларини тамомлаган талабаларнинг 20-30 фоизигина биринчи йилда давлат тест имтиҳонларини топшира олади.

"World Daily" газетасида чоп этилган ушбу мақолада муаллиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти битирувчиси Жанг Со Рянгнинг миннатдорлик сўзларини келтирган. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Ўзбекистон менга шифокор бўлиш имкониятини яратиб берди ва мен бу мамлакатни энди ўзимнинг иккинчи Ватаним, деб биламан. Келажакда тиббиёт соҳасида тажрибага эга бўлганимдан сўнг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида замонавий ва самарали тиббиёт технологияларини жорий этишга ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман."

Тошкент педиатрия тиббиёт институти модуль тизимининг охирги босқич талабаси Со А Ёнгнинг АҚШда лицензияли тиббий имтиҳонларнинг (USMLE) уч босқичидан муваффақиятли ўтгани ҳам ушбу дастурнинг муҳим ютуғи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, унга АҚШдаги етакчи тиббиёт университетларидан бирида килиника ординатураси курси бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқини берди. Шу муносабат билан Со А Ёнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Ўзбекистонда олий тиббий маълумотга эга бўлиш имконини бергани учун қуйидаги миннатдорлик мактубини йўллади:

**«Муҳтарам Президент Жаноблари!**

**Авваламбор, Сизга Ўзбекистон Республикасида менга таълим олиш имконияти яратиб берилгани учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этиш, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва масъулиятли фаолиятингизда янада улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.**

**Айни пайтда мен Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг еттинчи босқичи модуль гуруҳида таҳсил олаётирман. Бу ерда ўқитиш жараёни Сиз маъқуллаган ўқув дастури ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамда Осиё тиббиёт институти (Корея Республикаси) ўртасидаги ҳамкорликка оид шартномага мувофиқ амалга оширилмоқда.**

**Мен болалигимдан тиббий маълумот олишни орзу қилардим ва бу имкониятга Ўзбекистон Республикасида эга бўлдим. Шунингдек, Ўзбекистонда эгаллаган билимларимга таянган ҳолда, АҚШ соғлиқни сақлаш тизимида ишлаш учун уч босқичли синовдан ҳам муваффақиятли ўтдим. Бу билан Ўзбекистон Республикасида бериладиган олий тиббий таълим даражаси халқаро стандартлардан қолишмаслигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ишончим комилки, бу Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз ва ёш авлод камолотига қаратаётган юксак эътиборингиз самарасидир.**

**Фурсатдан фойдаланиб, Сизни мамлакатларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик йўлга қўйилганининг 20 йиллиги билан табриклаш ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик ва шахсий ҳаётингизда омадлар тилашга ижозат бергайсиз!**

**Чуқур эҳтиром ила**
**Со А Ёнг».**

*Кореялик талабаларнинг Ўзбекистонда олган билими ва орттирган тажрибаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти дипломининг Корея Республикаси ва АҚШда эътироф этилиши мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш самарасида яратилган таълим даражасининг юқорилигидан далолат беради. Корея томони шуларни эътиборга олиб, Корея Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси тиббий олий ўқув юртларида тиббий таълим олиш амалиётини кенгайтиришдан манфаатдорлигини маълум қилди. Шу муносабат билан кореялик талабаларнинг Самарқанд давлат тиббиёт институтида ҳам модуль асосида таълим олиши режалаштирилмоқда.*

**ЎзА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Respublika mulk markazi" ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2012 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг 07.08.2013 йилдаги 19 к-сонли буйруғи ва 07.08.2013 йилдаги 01/195-сонли хатига асосан, Тошкент вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига тегишли, Тошкент вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳисобида турган, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 77-уй манзилида сақланаётган АТЗ "ГАЗ-53-А" русумли, 1987 йилда и/ч, д/р 10AZ 486 бўлган автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 6 640 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 9 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 6 сентябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2013 йил 9 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 18 сентябрь куни соат 10:00 да ўтказилади. Такрорий савдога аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 18 сентябрдаги савдо учун 15 сентябрь соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, "Respublika mulk markazi" ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО 01036, СТИР 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 006231.

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

**Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасига ................ 1 нафар**
**Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига ..... 1 нафар**
**Бекобод туман 2-сон давлат нотариал идорасига ....... 1 нафар**
**Зангиота туман 1-сон давлат нотариал идорасига ....... 1 нафар**

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2013 йил 6 сентябрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183,184,185.**

**"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади! 2013 йил 3 сентябрь куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:**

I. Миробод туман СИБ томонидан 2012 йил 16 апрелдаги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Файзиобод" ТИФ божхона масканида сақланаётган: 1. 1990 йилда и/ч., дав. бел. 10 987 FAA бўлган "Газ 53" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 9 458 271 сўм. 2. 1991 йилда и/ч., дав. бел. 40 D 492 DA бўлган "Ваз 2121" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 8 925 998 сўм. 3. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 Q 585 CA бўлган "CHANASC-6382" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 506 454 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2012 йил 1 августдаги 27276/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав. бел. 01 E 716 GA бўлган "Заз 968" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 166 740 сўм. 2. 2012 йил 29 августдаги 31606/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 Q 491 GA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 13 693 352 сўм. 3. 2012 йил 9 июлдаги 24499/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав. бел. X 138 FRM бўлган "Волво 460" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 304 873 сўм. 4. 2012 йил 8 октябрдаги 34263/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 B 321 BA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 548 000 сўм. 5. 2012 йил 1 августдаги 14744/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2001 йилда и/ч., дав. бел. X 195 BCN бўлган "Тайота Кэмри" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 22 972 348 сўм. 6. 2012 йил 9 июлдаги 24506/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1974 йилда и/ч., дав. бел. 30 X 7883 бўлган "Ваз 2101" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 1 675 700 сўм. 7. 2012 йилд 9 июлаги 24508/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 A 011 GA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 47 880 000 сўм. 8. 2012 йил 9 июлдаги 24510/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 L 221 FA бўлган "Мерседес Бенц S350" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 167 670 000 сўм. 9. 2012 йил 18 сентябрдаги 31601/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 18 U 3443 бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 52 369 240 сўм. 10. 2013 йил 18 январдаги 1013/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 M 653 FA бўлган "ГБА СПГ Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 732 000 сўм. 11. 2013 йил 22 февралдаги 5667/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 B 033 KA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 101 520 000 сўм. III. Республика Суд департаменти томонидан 2012 йил 5 мартдаги 1-69/12 сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Шарқли Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 1984 йилда и/ч., дав. бел. 10 AZ 010 бўлган "Камаз-5320" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 129 000 сўм. 2. 1981 йилда и/ч., дав. бел. 10 BE 430 бўлган "Камаз-5311" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 27 574 000 сўм. 3. 1984 йилда и/ч., дав. бел. 10 BE 429 бўлган "Камаз-5511" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч., дав. бел. 10 BA 712 бўлган "Камаз-5320" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 767 CAA бўлган "Газ-2752-414" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 321 000 сўм. 6. 2012 йил 23 июлдаги 1-185г/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 R 216 JA бўлган "Лексус GX470" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 160 507 000 сўм. 7. 2012 йил 23 июлдаги 1-185в/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 701 AAA бўлган "NISSAN ALTIMA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 62 308 000 сўм. 8. 2012 йил 5 мартдаги 1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 D 770 BA бўлган "Лексус RX 350" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 161 834 000 сўм. IV. Чилонзор туман СИБ томонидан 2013 йил 23 январдаги 1-313/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юнусобод тумани, 8-сонли автокорхона жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 Y 787 HA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 24 480 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464. Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома № 006388.




**ЧП ООО "MERLONY technology" приобретает переработанные отходы из ПВХ. Обращаться по тел.: (+99871) 221-41-26.**

**Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида адлия органлари ҳузурида "Ишонч телефони" хизматлари йўлга қўйилди.**

**Ҳурматли ёшлар!**

**Агар сизнинг ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса ёхуд қизиқтирган турли масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатга эҳтиёж сезсангиз адлия органлари ҳузурида ташкил этилган "1008" ва 280-60-18 "Ишонч телефони"га мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларингиз адлия органлари ҳимоясида!**

Тошкент вилояти Чиноз шаҳридаги 40-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1995-1996 ўқув йилида 11-синфни битирганлиги тўғрисида Халмухамедов Дилшод Рахмонжонович номига берилган UZA № 135261 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"SHEER LUXURY" МЧЖнинг устав жамғармаси 805 727 885,56 сўмдан 305 727 885,56 сўмга камайишини маълум қилади.

Ийди-Рамазон муборак!

# ЭЗГУЛИК ВА САХОВАТ АЙЁМИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 майда қабул қилинган қарорига мувофиқ Имом Бухорий халқаро марказининг ташкил этилиши эса ислом тарихи ва фалсафаси, алломанинг илмий меросини халқаро миқёсда ўрганишда муҳим ўрин тутмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 7 августдаги "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу йил ҳам юртимизда Рамазон ҳайити катта байрам қилинмоқда. Меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу амаллар бажариладиган Рамазон ҳайитини кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Муборак айём муносабати билан табаррук отахону онахонларни зиёрат қилиш, ёрдамга муҳтож ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш яхши анъанага айланган. "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа нодавлат ташкилотлари томонидан ўтказилаётган бундай хайрли амаллар юртдошларимиз ўртасида меҳр-мурувват ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Ушбу муборак айём арафасида жойларда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилади, кўча ва хиёбонлар, масжидлар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар ва уларнинг атрофи тартибга келтирилади. Ўзгалар ёрдамига муҳтожларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёрдам қўлини чўзиш каби халқимизнинг эзгу анъаналари бу кунларда янада кучаяди.

Халқимиз барча соҳаларда улкан натижаларни қўлга киритаётган шу кунларда улуғ айём кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда. Бу мана шундай хайрли кунларда ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик туйғусини, ҳаётдан розилик ҳиссини жўш урдириши шубҳасиз. Зотан, тинчлик ва осойишталик, қўлга киритилаётган бемисл ютуқлар – буларнинг барчаси истиқлол туфайлидир.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ, ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).





# ШУКРОНА ЎЙЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН БАЙРАМ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Бугун ҳижрий 1434 йил, Рамазон ойининг адоғи. Мусулмон олами учун улуғ айём – Рамазон байрами. Бир жиҳатдан қаралганда, кўнгилда андак маҳзунлик ҳам йўқ эмас – биз Рамазони шариф, яъни шарафланган ой билан, ғоятда фазилатли, файзу тароватли, ҳикматларга бой даҳалар, куну тунлар билан хайрлашдик. Дарҳақиқат, орада ўтган шарофатли уч даҳа – ўттиз кун бизга ғоятда кўп хайрлар насиб этди. Ўзимизни ислоҳ қилиш, гуноҳлардан, айрим ножоиз иллатлардан қутулишимизга имкон берди. Қай биримиз ўринсиз кибрдан халос бўлдик, қай биримиз нафсимизга эгалик қилиш фазилатига эришдик, бошқа биримиз майда гина-кудуратлар юкидан халос бўлдик. Яна биримиз кўпдан узилишиб кетган биродаримиз, қариндош-уруғимиз билан Рамазони шариф шарофати билан қайта боғланишдик... Ва яна сабрли бўлишга одатландик, бир-биримизга эътиборли, меҳрибон, оқибатли бўла бошладик. Бир қўли қисқага мурувват кўрсатдик, бир мискиннинг бошини силадик, толиби илмнинг мушкулини осон қилдик. Ва яна кимлардир кўпдан ният қилиб келгани –номатлуб одати – шаробхўрликни, кашандаликни тарк этди. Хуллас, Рамазони шариф шарофатларини айтаверсак, адо бўлмайди. Шундай экан, у билан хайрлашиш ҳам осон эмас. Бироқ, на илож, ибтидоси бор ҳар нарсанинг интиҳоси ҳам бор. Тасалли шундаки, қадрли, шарофатли ой бизни тарк этган бўлса-да, ундан юқтирган, ундан орттирган яхшиликлар, фазилатлар ҳаммаси биз билан қолади, иншооллоҳ. Яъни, Рамазони шариф руҳи энди бизнинг онг-шууримизда, табиатимизда яшай бошлайди...

Ийд ал-Фитр – Рамазон ҳайити дегани. Ҳайит эса байрам, шод-хуррамлик дегани. Зеро, Парвардигор ҳам ўз муқаддас китобида: "Айтинг: Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан (мўминлар) шодлансинлар! У тўплаган нарса (бойлик) ларидан яхшироқдир", дея марҳамат қилади. (Юнус сураси, 58-оят).

Яъни, рўзадор Рамазон ойида ҳар қандай дунё бойликларидан яхшироқ нарсага эришди. Бу Парвардигорнинг фазли ва раҳмати, Парвардигор розилигидир. Маълумки, рўза Яратганнинг розилиги учун тутилади. Рўзани рисоладагидек адо этган мўмин Яратганнинг розилигига, мукофотига эришади. Бундай саодатни эса ҳеч бир (дунёвий) мол-мулк билан тенглаштириб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам Яратганнинг розилигини топган мўмин бу кунда ҳар қанча тантана, хурсандчилик қилса ярашади.

Азизлар, биз ана шундай қутлуғ айёмга етишдик. Муборак жума тонгида умумхалқ байрами бошланади. Байрам аввалида Ҳайит намози адо этилади. Икки юздан (мамлакатимиз бўйича эса икки мингдан) ортиқ муҳташам жоме масжидларига тўпланган юртдошларимиз якдиллик билан дуога қўл очиб, энг некбин ниятларини дилларига тугиб, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз хотиржамлиги, ҳаётимиз тўкислиги барқарор бўлишини Яратгандан тилаб, дуои хайрлар қиладилар. Кейин эса ота-оналар, қариндош-уруғ, ёру биродарлар зиёрат қилинади. Хонадонларда тўкин байрам дастурхонлари ёзилади. Рамазони шарифда бошланган эзгу ишлар – йўқловлар, хайр-саховатлар, сийловлар байрам кунлари ҳам давом этади. Қолаверса, мазкур байрам туб моҳиятида ҳам худди шу нарса ётади: одамлар кўнглига қувонч бахш этиш. Шундай экан, байрам шукуҳи ҳар бир хонадонга, ҳар бир юртдошимиз қалбига кириб боришига эришайлик. Бу борада фитр садақаларини ўрнини билиб тақдим этиш муҳимдир. Хайр-саховат инсонларни бир-бирига яқинлаштиради. Ўртада меҳр-оқибат пайдо қилади. Қолаверса, саховатпеша давлатманднинг давлатига янада қут-барака инади. Қуръони Каримнинг "Бақара" сураси (261-оят)да марҳамат қилинганидек: "Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юздан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради..." Демак, Рамазон ойи давомида бўлганидек, Рамазон ҳайитида ҳам эзгуликлар қилиш, савоблар қозониш имкони бисёрдир.

Рамазони шариф интиҳосига етди... Биз ўттиз кун мобайнида илоҳий амрга бўйсуниб рўза тутдик. Ейиш-ичишдан тийилдик, номуносиб ишлардан парҳез қилдик, ёмон ва ёлғон гап-сўзларни тилга олмадик, ғийбат қилмадик, аразгинани йиғиштирдик, дардлининг дардига шерик бўлдик, муаммосини биргаликда бартараф этдик... Булар барчаси рўзадорликнинг қатъий шартлари эди ва биз унга амал қилдик. Кеча шомда эса сўнгги марта ифторлик дастурхонига ўтирдик, яъни рўзадорлик тугади: яна одатий уч маҳаллик ейиш-ичишга ўтдик. Ва шундан кейин ҳам биз моҳиятан рўзадор бўлиб қолаверсак, яъни Рамазонда эришган гўзал инсоний сифатларни асраб қола билсак, дунё моллари бергусиз саодатга эришган бўламиз. Қолаверса, бу Парвардигорнинг буюк неъмати – Истиқлолга, у берган улкан имкониятлар – эътиқод эркинлигига, тилимиз, динимиз, эркимиз дахлсизлигига, осойишта ҳаётимизга нисбатан шукронамизнинг ёрқин ифодаси бўлур эди.

**Қурбонали ТУРСУНОВ, вилоят бош имом-хатиби.**




## ПАРОКАНДА БЎЛСА-ДА, ҲАМОН ХАВФЛИ

**"Халқаро "Ал-Қоида" террорчилик тармоғи парокандаликка юз тутиб, кучсизланиб бораётган бўлса-да ҳамон жойларда хавф солишни давом эттирмоқда.**

БМТ экспертлари тайёрлаган маърузада шундай фикрлар баён этилган. Маърузачилар берган маълумотга қараганда, "Ал-Қоида" ва унинг филиалларини эндиликда умумий ғоя ҳамда зўравонлик қилиш ҳаракатларигина бирлаштириб турибди. Маърузачилар таъкидлашдики, яқинда Сомоли ва Малида "Ал-Қоида"га қарши олиб борилган курашда муваффақиятларга эришилган.

БМТ маърузасида келтирилган маълумотлар АҚШ ҳукумати берган баҳога умумий жиҳатдан мос келади. Илгари Обама маъмурияти вакиллари Усома бин Лоди ўлимидан сўнг "Ал-Қоида"нинг негизи анча кучсизлашди, бироқ унинг жойлардаги филиаллари ҳамон муайян хавф солади, дея таъкидлашган эди.



## НОЁБ МАЙЯ ҲАЙКАЛИ

**Халқаро археологлар жамоаси Гватемалада ноёб майя ҳайкали топилгани ҳақида хабар бердилар.**



Бу ноёб буюмлар майя эҳромларини тадқиқ этиш жараёнида топилган бўлиб, улар қаторида узунлиги 9 метр, баландлиги 1,8 метр ўлчамдаги ёпиштирма безак-ҳошия ҳам бўлган. Олимларнинг тахминий ҳисобларига қараганда, ҳайкалча ҳамда безак-ҳошия 590-йилда тайёрланган. Асли қизил, шунингдек, зангори сариқ, яшил ранглар ҳам аралашган безак-ҳошияда уч эркак акс эттирилган. Уларнинг бошида анъанавий майя кийими бор. Археологларнинг сўзига қараганда, бу кўҳна буюмлар яхши сақланган.

## ЕВРОПАДА ГОҲ ЖАЗИРАМА, ГОҲ...

**Марказий Европада об-ҳавонинг ўта беқарорлиги давом этаяпти. Гоҳ кун чидаб бўлмас даражада исиб кетса, (бундай вазият бир ойдан ортиқ давом этди), гоҳ кучли бўрон эсади.**

Масалан, Австрияда бўрон момақалдироқли кучли ёғинни олиб келди. Баъзи жойларга йирик дўл ёғди, кучли шамол уйлар томини учириб кетди, электр симларини узиб юборди. Хабар қилинишича, беш мингга яқин уй чироқсиз қолди.

Табиий офат қурбонсиз бўлмади. Ёмғирдан қочиб, ўрмонда жон сақламоқчи бўлган кишини қулаган дарахт босиб ўлдирди.



Германияда ҳам ҳозир вазият шундай. Кўплаб қутқарувчилар кўчаларни синган дарахтлардан тозалаш билан овора. Ўнлаб автотрассалар беркилиб қолди.

## САМОЛЁТ ВА ДАЙДИ СИГИР ВОҚЕАСИ

**Индонезиянинг Сулавеси ороли Горантало шаҳридаги аэропортда учта дайди сигир Боинг 737-900 самолёти қўнаётган йўлакда пайдо бўлди.**




Авиалайнернинг ўртадаги шассиси сигирлардан бирини босиб ўтиб, қўниш йўлагидан чиқиб кетди. Маълум бўлишича, тормоз тизими ишламай қолган экан.

Самолёт бортида бўлган 110 йўловчидан ҳеч ким зарар кўрмади. Фақат сигир нобуд бўлди. Учувчининг айтишича, самолётни қўндираётган пайтида йўлак ўртасида қандайдир жониворлар юрганини кўрган. Улар сигир бўлгани боис тўқнашув чоғида самолёт бошқаруви издан чиққан. Йўловчиларнинг бахтига учувчи авиалайнерни тўхтатишга муваффақ бўлган.

Умуман олганда, самолёт бортидаги йўловчилар ўртасида парокандалик юз бермади. Бироқ шундай бўлсада, 2 шошқалоқ йўловчи ўзларининг айблари билан оёқларини майиб қилиб олишди.

## ХОТИНИДАН АВВАЛ ИТИНИ ҚУТҚАРДИ

**Афтидан британиялик эр-хотинлар оиласида жанжал-тўполон ҳамон давом этаётган бўлса керак.**

Гап шундаки, бу эр-хотин Англиядан Мадагаскарга ўз яхталарида сафарга чиққанларида итларини ҳам бирга олиб кетишди. Бироқ, кема сув остидаги қояга урилиб, чўка бошлади. Шунда оила эркаги аввал итини сўнг эса, хотинини қутқаришга ҳаракат қилди. Кема бортидаги одамларнинг ҳаммасига, шу жумладан итга ҳам қутқариш нимчаси кийдирилди.

Юз берган бахтсиз ҳодисадан ҳеч ким зарар кўрмади, аммо эр-хотин Энлиларнинг оиласида "иқлим" бузилганлиги аниқ. Аммо улар матбуот билан алоқа боғлаш ва интервью беришдан бош тортмоқдалар.



**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

РЕКЛАМА

**«БИЛИМЛАР ЯРМАРКАСИ – 2013» ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ГЭФ КГДнинг ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА АМАЛИЙ СЕМИНАРЛАРИ ИННОВАЦИЯЛАР – МАМЛАКАТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ УЧУН РАЦИОНАЛ ЕЧИМЛАР**

**2013 йилнинг 20-21 август кунлари Тошкент шаҳрида «Билимлар ярмаркаси» бўлиб ўтади. Ярмарка доирасида БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури (БМТ ТД) Глобал экология фондининг Кичик грантлар дастури (ГЭФ КГД) кўмагида жорий этилаётган ва намойиш қилинаётган инновацион технологиялар бўйича туркум тренинг ва тақдимотлар ўтказилади. Ярмарка режасига ердан унумли фойдаланиш технологияси ва амалиётлари, суғоришнинг самарали технологияларини қўллаган ҳолда суғориш сувидан оқилона фойдаланиш, муқобил энергия ишлаб чиқарувчи минитехнологиялар, мамлакатнинг биохилмахиллик хизматлари ва табиий ресурслари потенциалидан барқарор фойдаланиш бўйича тақдимотлар ва ўқув семинарлари ўтказиш киритилган. Ярмаркада Ўзбекистондаги ГЭФ КГД фаолиятининг турли соҳалари бўйича 17 та инновацион технология тақдимотини ўтказиш кўзда тутилмоқда. Улар сирасига дастур муваффақиятли амалга оширган ва мамлакатда кенг қўлланилаётган технологиялар баробарида халқ хўжалигида кейинчалик қўллаш учун синаб кўрилиши керак бўлганлари ҳам киради. Улар орасида қуйидагилар бор:**

- ерни ҳайдамай деҳқончилик қилиш;
- озуқа экинларини 4 та далада алмашлаб экиш;
- ирригация каналларини изоляциялаш;
- кеча-кундузлаб суғориш;
- лазер ёрдамида ерлар режасини тузиш;
- фитомелиорация;
- томчилатиб суғориш;
- биогаз технологияси;
- кичик гидростанциялар;
- энергияни тежовчи (қуёш) иссиқхоналари;
- энергияни тежовчи печлар;
- тупроғи емирилаётган жойларда индигоферани етиштириш ва унинг биотехнологияси;
- Ўзбекистонда тез кўпаядиган сув экинларининг истиқболи;
- SERHOSIL – майда сув ўтлари ҳосилдорлик хизматида;
- тупроқнинг ҳосилдор қатламини сақлаш ва емирилиши олдини олиш учун асқотадиган қатор дарахтзорлар;
- хандон писта плантациялари – Ўзбекистоннинг қурғоқчил тоғолди ҳудудларидан самарали фойдаланиш;
- ҳосилдорликни ошириш учун керак бўладиган асаларичилик.

Ярмарка тингловчилари ва меҳмонларини ўз технологиялари билан уларни бевосита синаб кўрган ва жорий қилган фермерлар, ННТ вакиллари ва олимлар таништиради. Ярмаркага мамлакатнинг барча вилоятларидаги фермерлар, вазирлик, идоралар, сиёсий партиялар вакиллари, ўқув юртлари раҳбарлари, КГД ҳамкорлари ва барча истаган кишилар таклиф этилади.

Ярмарка БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури (БМТ ТД) ёрдами, Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бевосита ва ахборот кўмаги билан, «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси кўмагида ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институти мадади билан, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Хоразм Агроконсультация маркази (KRASS), мамлакатдаги илмий-тадқиқот марказлари ва университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Кичик грантлар дастури барча истовчиларни «Билимлар ярмаркаси»га таклиф қилишни шараф деб билади, у ерда ҳар бир киши мутахассисларнинг ўзидан қимматли тажриба ўрганиши ҳамда уни табиатни асраш ва одамлар турмуш шароитини яхшилаш йўлида ишлатиши мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш учун мурожаат қилинг:**
**ГЭЖ Кичик Грантлар Дастури**
тел.: (+99871) 120-34-50 (ext 215), моб.: (+99893) 501-52-21, факс: (+99871) 120-34-85
http://www.sgp.uz e-mail: makhsad.bauetdinov@undp.org

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИЯ ЖАМҒАРМАСИ КИЧИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИНИНГ (ГЭЖ КГД) "БИЛИМЛАР ЯРМАРКАСИ" ЎТКАЗИШ РЕЖАСИ**

**Сана: 2013 йил** 20-21 август кунлари. **Ўтказиш жойи:** Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй.

| Вақти | Тадбир | Ўтказиш жойи |
|---|---|---|
| | **20 август – биринчи кун** | |
| 09:00 – 09:20 | Рўйхатга олиш ва йиғилиш | |
| 09:20 – 09:40 | Ярмарканинг очилиши | |
| | Қутловлар:<br>М. Хамидов – Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректори<br>Стефан Приснер – БМТ ТДнинг доимий вакили, БМТнинг доимий мувофиқлаштирувчиси<br>К. Содиқов – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари<br>С. Турдиев – Ўзбекистон Фермерлар кенгаши раиси | Конференц-зал |
| 09:40 – 10:00 | Кўргазмани кўриб чиқиш | Холл |
| 10:00 – 11:00 | 1. "Тупроқни ҳайдамай деҳқончилик қилиш – қишлоқ хўжалигини барқарор юритиш учун тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш" тақдимоти | 1-аудитория |
| 11:15 – 12:15 | 2. "Озуқа экинларини 4 майдонли алмашлаб экиш – ўша ернинг ўзидан 3 марта кўп озуқа олиш" тақдимоти | 1-аудитория |
| 13:30 – 14:30 | 3. Сув ва энергияни тежаш мақсадида ирригация каналларини изоляциялаш" тақдимоти | 1-аудитория |
| 14:40 – 15:40 | 4. "Кеча-кундузлаб суғориш – сувни тежаш ва уни фермерлар ўртасида адолатли тақсимлаш" тақдимоти | 1-аудитория |
| 15:50 – 16:50 | 5. "Ҳосилдорликни ошириш ва ресурсларни тежаш мақсадида лазер ёрдамида ерлар режасини тузиш" тақдимоти | 1-аудитория |
| 17:00 – 18:00 | 6. "Фитомелиорация – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш намунаси сифатида" тақдимоти | 1-аудитория |
| 10:00 – 11:00 | 1. "Томчилатиб суғориш – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун зарурат" тақдимоти | 2-аудитория |
| 11:15 – 12:15 | 2. "Биогаз технологияси фермер хўжаликларидаги энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг муқобил ечими сифатида" тақдимоти | 2-аудитория |
| 13:30 – 14:30 | 3. "Маҳаллий бизнес ва аҳоли эҳтиёжлари учун кичик гидростанциялар" тақдимоти | 2-аудитория |
| 14:40 – 15:40 | 4. "Истиш учун электр қувватидан фойдаланмайдиган энергияни тежовчи (қуёш) иссиқхоналар" тақдимоти | 2-аудитория |
| 15:50 – 16:50 | 5. "Ўрмонларни кесилишдан сақлаб қоладиган энергияни тежовчи печлар" тақдимоти | 2-аудитория |
| 10:00 – 10:20 | 1. "Тошкент ирригация ва мелиорация институти инновацион технологиялари" тақдимоти | 3-аудитория |
| 10:20 – 11:00 | 2. "Емирилаётган ерларда Индигоферани етиштириш ва унинг биотехнологияси" тақдимоти | 3-аудитория |
| 11:15 – 12:15 | 3. "Ўзбекистонда тез ўсадиган сув экинларини ривожлантириш" тақдимоти | 3-аудитория |
| 13:30 – 14:30 | 4. "SERHOSIL – майда сув ўтлари ҳосилдорлик хизматида" тақдимоти | 3-аудитория |
| 14:40 – 15:40 | 5. "Тупроқнинг ҳосилдор қатламини сақлаш ва емирилиш олдини олиш учун зарур бўлган қатор ўрмонлар" тақдимоти | 3-аудитория |
| 15:50 – 16:50 | 6. "Хандон писта плантациялари – Ўзбекистоннинг қурғоқчил тоғолди ҳудудларидаги ерлардан самарали фойдаланишнинг янги ечими" тақдимоти | 3-аудитория |
| 17:00 – 18:00 | 7. "Ҳосилдорликни оширишга мўлжалланган асаларичилик" тақдимоти | 3-аудитория |
| | **21 август – иккинчи кун** | |
| 09:00 – 10:00 | 1. "Ҳосилдорликни ошириш ва ресурсларни тежаш мақсадида лазер ёрдамида ерлар режасини тузиш" тақдимоти | 1-аудитория |
| 10:10 – 11:10 | 2. "Сув ва энергияни тежаш мақсадида ирригация каналларини изоляциялаш" тақдимоти | 1-аудитория |
| 11:25 – 12:25 | 3. "КРАСС" ННТнинг халқ хўжалиги учун инновацион ишланмалари" тақдимоти | 1-аудитория |
| 14:00 – 15:00 | 4. "Тупроқни ҳайдамай деҳқончилик қилиш – қишлоқ хўжалигини барқарор юритиш учун тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш" тақдимоти | 1-аудитория |
| 15:10 – 16:10 | 5. "Фитомелиорация – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш намунаси сифатида" тақдимоти | 1-аудитория |
| 09:00 – 10:00 | 1. "Маҳаллий бизнес ва аҳоли эҳтиёжлари учун кичик гидростанциялар" тақдимоти | 2-аудитория |
| 10:10 – 11:10 | 2. "Иситиш учун электр қувватидан фойдаланмайдиган энергияни тежовчи (қуёш) иссиқхоналар" тақдимоти | 2-аудитория |
| 11:25 – 12:25 | 3. "Ўрмонларни кесилишдан сақлаб қоладиган энергияни тежовчи печлар" тақдимоти | 2-аудитория |
| 14:00 – 15:00 | 4. "Томчилатиб суғориш – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун зарурат" тақдимоти | 2-аудитория |
| 15:10 – 16:10 | 5. "Биогаз технологияси фермер хўжаликларидаги энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг муқобил ечими сифатида" тақдимоти | 2-аудитория |
| 09:00 – 10:00 | 1. "SERHOSIL – майда сув ўтлари ҳосилдорлик хизматида" тақдимоти | 3-аудитория |
| 10:10 – 11:10 | 2. "Тупроқнинг ҳосилдор қатламини сақлаш ва емирилиш олдини олиш учун зарур бўлган қатор ўрмонлар" тақдимоти | 3-аудитория |
| 11:25 – 12:25 | 3. "Хандон писта плантациялари – Ўзбекистоннинг қурғоқчил тоғолди ҳудудларидаги ерлардан самарали фойдаланишнинг янги ечими" тақдимоти | 3-аудитория |
| 14:00 – 15:00 | 4. "Ҳосилдорликни оширишга мўлжалланган асаларичилик" тақдимоти | 3-аудитория |
| 16:15 – 16:30 | Кўргазманинг ёпилиши | Конференц-зал |

Эслатма: кўргазма билимлар ярмаркаси давомида узлуксиз ишлайди. Турли технологиялар бўйича тақдимот учта алоҳида аудиторияда бўлиб ўтади.

## ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "LUKS EKSKLUSIVE SERVICE" (ИНН 206932168) МЧЖ Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "QOBILJON DENT SERVIS" (ИНН 207186526) МЧЖ таркибига тўлиқ бирлаштирилишини ҳамда "QOBILJON DENT SERVIS" МЧЖ "LUKS EKSKLUSIVE SERVICE" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда, унинг тўлиқ ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади.
Тел.: (+99898) 305-86-03.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ELCHI AVTOSERVIS" (ИНН 301176279) МЧЖ Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўхйатга олинган "NAFISA GRAND" (ИНН 302618184) МЧЖ таркибига тўлиқ бирлаштирилишини ҳамда "NAFISA GRAND" МЧЖ "ELCHI AVTOSERVIS" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг тўлиқ ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади.
Тел.: (+99898) 305-86-03.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7792. Адади 7 665. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30.